



Ўзбекистон Республикаси
Қонуни

“Расмий статистика тўғрисида”

ЎРҚ–707-сон, 11.08.2021 й.



Қонунга кўра


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

- расмий статистика соҳасидаги давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди;
- расмий статистикани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилайди.

Давлат статистика қўмитаси соҳада **ваколатли давлат органи** ҳисобланади.

Қонунга кўра

Жисмоний ва юридик шахслар (шу жумладан уларнинг алоҳида бўлинмалари, филиаллари ва ваколатхоналари) расмий статистикадан фойдаланувчилар бўлиши мумкин.




Қонунга кўра

Кўп йиллик статистика дастури умуман миллий статистика тизими учун ишлаб чиқилади ва расмий статистиканинг стратегик ривожланиш йўналишларини белгилайди.

Бир йиллик статистика дастури кўп йиллик статистика дастурини бажариш мақсадида ишлаб чиқилади.

Кўп йиллик статистика дастурлари Президент томонидан, бир йиллик статистика дастурлари Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.





Расмий статистикани тайёрлаш учун йиғиладиган, ишлов бериладиган ва сақланадиган статистика маълумотлари, агар улар жисмоний ёки юридик шахсларни бевосита ёки билвосита идентификациялаш имконини берса ҳамда уларга тааллуқли индивидуал маълумотларни ошкор қилса, **махфий ҳисобланади.**

Расмий статистика қуйидаги мақсадларда эълон қилинади:

- мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолаш;
- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;
- жамоатчиликни хабардор қилиш;
- расмий статистикадан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш учун.





Эътиборингиз учун раҳмат!